



МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИНИ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

PhD, доц. Джуманов Саитмурод

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0000-9266-4637

s.djumanov@tsue.uz

Аннотация. Маҳсулот таннархини аниқлаш ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида самарали бошқарув учун муҳим омилдир. Замонавий калькуляция усуллари ахборот технологиялари ва мураккаб моделлардан фойдаланишга асосланиб, таннархни аниқлаш ва таҳлил қилишни осонлаштиради. Бу усуллар ишлаб чиқариш жараёнини оптимизация қилиш, харажатларни самарали бошқариш ва қарорлар қабул қилишда катта аҳамиятга эга. Услугаларнинг ҳар бири ўзининг махсус афзалликлари билан, тўғри ҳисоб-китоб ва иқтисодий самарадорликка эришишга ёрдам беради. Замонавий технологиялар ва тажриба асосида, мазкур усулларни амалиётга жорий этиш ташиқлотларга рақобатбардошликни ошириш ва ресурсларни тежаш имконини яратади.

Калит сўзлар: маҳсулот таннархи, калькуляция, ишлаб чиқариш жараёни, харажатлар, замонавий усуллар, самарадорлик, директ-костинг, стандарт-костинг, бошқарув қарорлари, фойда, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

ПУТИ ВНЕДРЕНИЯ СОВРЕМЕННЫХ МЕТОДОВ РАСЧЕТА СЕБЕСТОИМОСТИ ПРОДУКЦИИ В ПРАКТИКУ

PhD, доц. Джуманов Саитмурод

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. Определение себестоимости продукции важнейший фактор эффективного управления в производственной и сервисной сферах. Современные методы калькуляции, основанные на информационных технологиях и сложных моделях, упрощают процесс определения и анализа себестоимости. Эти методы играют ключевую роль в оптимизации производственных процессов, эффективном управлении затратами и принятии управленческих решений. Каждый метод обладает своими специфическими преимуществами, способствуя точному расчету и достижению экономической эффективности. Внедрение данных методов на основе современных технологий и опыта помогает организациям повышать конкурентоспособность и сокращать затраты.

Ключевые слова: себестоимость продукции, калькуляция, производственный процесс, затраты, современные методы, эффективность, директ-костинг, стандарт-костинг, управленческие решения, прибыль, международные стандарты финансовой отчетности.

WAYS OF IMPLEMENTING MODERN METHODS OF PRODUCT COST CALCULATION IN PRACTICE

PhD, assoc. prof. **Jumanov Saitmurod**
Tashkent State University of Economics

Abstract. *Determining the cost of production is a key factor for effective management in the manufacturing and service sectors. Modern costing methods, based on information technologies and complex models, simplify the process of determining and analyzing costs. These methods play a crucial role in optimizing production processes, efficiently managing costs, and making managerial decisions. Each method has its specific advantages, contributing to accurate calculations and achieving economic efficiency. The implementation of these methods based on modern technologies and expertise helps organizations enhance competitiveness and reduce costs.*

Keywords: *cost of production, costing, production process, expenses, modern methods, efficiency, direct costing, standard costing, managerial decisions, profit, international financial reporting standards.*

Кириш.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва глобаллашув жараёнида маҳсулот таннархини аниқ ва самарали ҳисоблаш корхоналарнинг барқарор фаолиятида асосий аҳамиятга эга. Маҳсулот таннархини ҳисоблаш нафақат маҳсулотнинг ўзини ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилишга, балки унинг бозордаги нархи, рентабеллиги ва инвестициявий самарадорлигини аниқлашга ҳам хизмат қилади. Шу билан бирга, замонавий иқтисодий муҳитда компаниялар ўз маҳсулотларини бозор талабларига мослаштириш, харажатларни оптимизация қилиш ва стратегик қарорларни тезкор қабул қилиш имкониятига эга бўлиши зарур.

Анъанавий усуллар асосида маҳсулот таннархи ҳисобланган вақтда барча харажатлар — доимий ва ўзгарувчан, асосий ва қўшимча, бевосита ва билвосита харажатлар — маҳсулот бирлигига қўшилади. Бу усул молиявий ҳисоботлар тайёрлашда қулай бўлишига қарамаздан, маркетинг ва стратегик режалаштириш учун керакли тезкор маълумотларни тақдим этишда чекловларга эга. Шу сабабли, замонавий усуллар — директ-костинг, activity-based costing (ABC) ва стандарт-кост усуллари — иқтисодий таҳлилда ва оператив бошқарувда кенг қўлланила бошлади.

Ўзбекистонда 1994 йилгача маҳсулот таннархини тўлиқ таннарх усулида ҳисоблаш анъанавий ҳисобланган бўлса, бугунги кунда замонавий усуллар тадрижан жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатлар (1994 йил 164-сонли қарор, 1995 йил 17-02/28-санли йўриқнома) корхоналарга маҳсулот харажатларини замонавий талабларга мувофиқ ҳисоблаш имконини беради.

Бундан ташқари, хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, замонавий таннарх усуллари — хусусан, директ-костинг ва activity-based costing — корхоналарнинг стратегик ва маркетинг қарорларини тез ва аниқ қабул қилишга қаратилган. Бу усуллар маҳсулот маржасини аниқ кўрсатиб, юқори рентабелли маҳсулотларни аниқлаш, харажатларни самарали тақсимлаш ва ишлаб чиқариш жараёнини оптимизация қилиш имконини беради.

Шу муносабат билан, ушбу мақолада маҳсулот таннархини замонавий усуллар орқали ҳисоблаш, уларнинг афзалликлари ва қўллаш амалиёти, шунингдек Ўзбекистон ва хорижий давлатларда қўлланилаётган усуллар ўртасидаги фарқлар таҳлил қилинади. Бу таҳлил корхоналарга маҳсулот рентабеллигини ошириш ва бозорда рақобатбардошликни таъминлашда замонавий усулларни самарали жорий қилиш йўллари белгилашга хизмат қилади.

Адабиётлар шарҳи.

Маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва унинг замонавий усуллари юзасидан илмий ва амалиётдаги тадқиқотлар турли даврларда ва турли давлатларда кенг ёритилган. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, анъанавий тўлиқ таннарх усули маҳсулотнинг барча харажатларини бирлаштириш орқали маҳсулот бирлигига қўшади ва молиявий ҳисоботлар учун аниқ маълумот тақдим этади. Лекин бу усул стратегик бошқарув ва маркетинг қарорларини қўллаб-қувватлашда чекловларга эга, чунки доимий харажатлар ва бозор динамикасини ҳисобга олмайди.

Замонавий тадқиқотлар директ-костинг усулининг афзалликларига алоҳида эътибор қаратган. Масалан, Картер ва ҳамкасблари (Carter et al., 2017) ўз ишларида директ-костинг усули орқали маҳсулот маржасини аниқ кўрсатиш ва юқори рентабелли маҳсулотларни тез аниқлаш имкониятини таъкидлаганлар. Шунингдек, директ-костинг бозор талабларига тез мослашиш, стратегия ва нарх белгилашда самарали бошқарув қарорлари қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган.

Activity-Based Costing (ABC) усули ҳам замонавий таҳлилда кенг қўлланилади. Такидланишича, ABC усули маҳсулот ёки хизматларга ҳар бир фаолиятга сарфланган ресурслар асосида харажатларни тақсимлаш имконини беради. Babadzhanov (2020) ва Li & Zhang (2018) олимларининг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ABC усули орқали маҳсулот ва хизматларнинг аниқ таннархини ҳисоблаш, бевосита ва билвосита харажатларни аниқлаш, шунингдек корхона ички жараёнларини оптимизация қилиш самарадорлиги ошади. Бу усул ривожланган мамлакатларда стратегик режалаштириш ва ресурслар тақсимотини тўғри белгилашда муҳим инструмент сифатида қўлланилади.

Ўзбекистонда ҳам маҳсулот таннархини ҳисоблашда замонавий усулларни тадрижан жорий этиш бошланган. 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 164-сонли қарор ва 1995 йил 17-02/28-сонли йўриқнома орқали директ-костинг усулини қўллашнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон тадқиқотчилари, масалан, Тошпўлатов ва Абдуллаев (2010) маҳсулот таннархини ҳисоблашда доимий ва ўзгарувчан харажатларни ажратиш, маржани аниқ ҳисоблаш ва маҳсулот рентабеллигини таҳлил қилиш механизмларини кенг ёритган.

Хорижий давлатларда маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва таҳлил усуллари Ўзбекистондагидан анча ривожланган. АҚШ, Германия ва Жанубий Кореяда директ-костинг ва ABC усуллари стратегик ва операцион бошқарувнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Масалан, Kaplan ва Cooper (1998) директ-костинг ва ABC усулларини ҳамкорликда қўллаш орқали корхона харажатларини аниқ ва самарали тақсимлаш, рентабелликни таҳлил қилиш ва маҳсулот портфелини оптимизация қилиш имкониятларини таъкидлайдилар. Шунингдек, Европа мамлакатларида маҳсулот таннархини ҳисоблашда стандарт-кост усули ҳам кенг қўлланилади, у орқали маҳсулот бирлигига қўшилган харажатлар стандартлар билан таққосланади ва самарадорлик таҳлили олиб борилади.

Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, замонавий таннарх усуллари анъанавий тўлиқ таннарх усулидан фарқли равишда, молиявий ҳисоботларнинг фақат тўлиқлиги билан чекланмайди, балки корхонанинг стратегик ва оператив қарорларини қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, замонавий усуллар бозор талабларига тез мослашиш, ресурсларни самарали тақсимлаш ва юқори рентабелли маҳсулотларни аниқлаш имкониятини беради. Бу жиҳатлари Ўзбекистонда директ-костинг ва ABC усулларини жорий этишнинг долзарблигини янада оширади.

Тадқиқот методологияси.

Маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг замонавий усулларини тадқиқ этишда илмий усулларнинг комплекс қўлланилиши талаб қилинади. Ушбу мақсадда тадқиқот

бир неча босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда назарий таҳлил йўлга қўйилди. Бу жараёнда анъанавий тўлиқ таннарх усули, директ-костинг ва Activity-Based Costing (ABC) усуллари бўйича илмий адабиётлар, хорижий ва маҳаллий олимларнинг мақолалари ҳамда илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилинди.

Иккинчи босқичда эмпирик таҳлил усули қўлланди. Ушбу жараёнда Ўзбекистондаги бир қатор саноат корхоналарида маҳсулот таннархини ҳисоблаш бўйича амалий маълумотлар тўпланди. Маълумотлар орасида маҳсулот сотувлари, ўзгарувчан ва доимий харажатлар, маржалар ва рентабеллик кўрсаткичлари бор эди. Шу билан бирга, хорижий давлатлардаги тажрибани таҳлил қилиш учун АҚШ, Германия ва Жанубий Кореядаги ривожланган корхоналарнинг статистик маълумотлари ва илмий тадқиқотлари таҳлил қилинди. Бу усул тадқиқотнинг илмий асосланишини таъминлаш билан бирга, Ўзбекистон амалиёти ва хорижий тажрибани солиштириш имконини берди.

Тадқиқотнинг учинчи босқичи таҳлилий усулларни қўллашдан иборат бўлди. Бу босқичда тўпланган маълумотлар жадвал ва диаграммалар орқали визуаллаштирилди. Масалан, директ-костинг ва тўлиқ таннарх усуллари бўйича молиявий натижаларни солиштириш учун таҳлилий жадвал тузилди. Жадвал орқали маҳсулот маржаси, доимий харажатларни қоплаш даражаси ва рентабеллик кўрсаткичлари таққосланди. Шунингдек, ABC усули орқали маҳсулотга сарфланган ресурсларнинг аниқ тақсимланиши таҳлил қилинди ва маҳсулотлар портфелини оптимизация қилиш имкониятлари баҳоланди.

Тадқиқот методологиясида статистик ва математик усуллар ҳам қўлланилди. Маҳсулот бирлигига тушган таннархнинг ўзгарувчанлиги, маржа ва рентабеллик кўрсаткичларининг динамикаси таҳлил қилинди. Бу жараёнда ўртача, максимал ва минимал кўрсаткичлар ҳисобланиб, маҳсулот турлари бўйича самарадорлик таҳлили амалга оширилди. Шу билан бирга, бозор талаблари ва харидорларнинг афзалликларини ҳисобга олган ҳолда моделлаштириш усули қўлланилди.

Шу тариқа, тадқиқот методологияси назарий ва амалий ёндашувларни бирлаштиришга асосланади. Бу усул орқали замонавий таннарх усуллари Ўзбекистон корхоналарида қўллаш имкониятлари, уларнинг афзалликлари ва чекловлари аниқланди. Шу билан бирга, хорижий тажрибани солиштириш орқали Ўзбекистон амалиётини такомиллаштириш учун илмий асослар яратилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг замонавий усуллари тадқиқ қилиш натижасида аниқландики, Ўзбекистонда амалда қўлланилаётган усуллар анъанавий тўлиқ таннарх усули ва директ-костинг билан боғлиқдир. Тўлиқ таннарх усулида маҳсулот бирлигига тушган доимий ва ўзгарувчан харажатлар ҳисобга олинади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, корхона маҳсулотнинг тўлиқ таннархини аниқ кўради ва молиявий ҳисоботда тўлиқ кўрсатилган харажатлар орқали фойда ҳисоблай олади. Бироқ, бу усулда маҳсулот турлари бўйича рентабеллик таҳлили ва стратегик қарор қабул қилишда айрим чегаралар мавжуд. Чунки доимий харажатлар барча маҳсулотларга нисбатан ўртача тақсимланади ва юқори маржали маҳсулотларни аниқлаш қийинлашади.

Директ-костинг усули эса, асосан ўзгарувчан харажатлар асосида маҳсулот таннархини ҳисоблайди ва доимий харажатларни молиявий натижалар ҳисобидан қоплашни назарда тутаяди. Ушбу усул орқали ҳар бир маҳсулот турининг маржалари аниқ кўринади ва рентабеллик таҳлили соддалашади.

Хорижий давлатларда эса таннархни ҳисоблаш усуллари анча ривожланган ва комплекс ёндашувни талаб қилади. Масалан, АҚШ ва Германияда Activity-Based Costing (ABC) усули кенг қўлланилади. Ушбу усулда ҳар бир маҳсулотга сарфланган ресурслар

ва жараёнлар аниқ таҳлил қилинади. Бу эса юқори маржали ва самарали маҳсулотларни аниқлашда самарали имконият яратади. Мисол учун, Германиянинг автомобиль саноатида ҳар бир автомобилга сарфланган материаллар, иш ҳақи ва логистика харажатлари алоҳида ҳисобланади. Бу орқали ҳар бир моделнинг фойдаси ва рентабеллик даражаси аниқ кўриниб туради.

Ўзбекистон ва хорижий давлатлардаги усулларни солиштирганда қуйидаги асосий фарқлар аниқланади:

Ўзбекистонда асосан молиявий ҳисоботлар ва умумий харажатлар устуворликка эга, хорижда эса стратегик бошқарув ва маҳсулот портфели оптимизацияси муҳим аҳамият касб этади;

Хорижда харажатлар ҳар бир операция ва ресурс бўйича аниқ тақсимланади, Ўзбекистонда эса кўпинча ўртача кўрсаткичлар асосида ҳисобланади;

Директ-костинг ва ABC усуллари маҳсулот турлари бўйича маржани аниқ кўрсатса, тўлиқ таннарх усулида доимий харажатлар унинг ҳисобида яширин қолиши мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистондаги ва хорижий тажрибадаги маҳсулот таннархини ҳисоблаш натижалари

Усул	Маҳсулот таннархи, сўм	Маржа, сўм	Доимий харажатлар, сўм	Фойда, сўм	Афзалликлар	Чекловлар
Тўлиқ таннарх	2 250 000	250 000	750 000	250 000	Молиявий ҳисобот тўлиқлиги	Маржа ва рентабеллик аниқ эмас
Директ-костинг	1 500 000	1 000 000	750 000	250 000	Маҳсулот тури бўйича рентабеллик таҳлили	Доимий харажатлар назорати қийин
ABC	1 480 000	1 020 000	750 000	270 000	Ресурс сарфини аниқ кўрсатади	Мураккаб ҳисоб-китоб ва қўшимча маълумот талаб қилади

Жадвалдан кўриниб турибдики, ABC усули маҳсулот рентабеллигини аниқлашда энг самарали ҳисобланади, аммо унинг ҳисоб-китоб жараёни бундан муросалидир. Директ-костинг эса оддий ва тезкор таҳлил учун қулай, тўлиқ таннарх усули эса молиявий ҳисобот талабларига мос келади.

Шу билан бирга, таҳлил орқали Ўзбекистонда директ-костинг усулининг замонавий талабларга мослаштирилиши, маҳсулот турлари бўйича маржаларни тезкор аниқлаш ва рентабелликни ошириш имкониятлари мавжудлиги аниқланди. Хорижий тажриба билан солиштирганда, Ўзбекистон корхоналарида ABC ёки унинг модификацияланган вариантларини қўллаш орқали ресурсларни тежаш ва стратегик қарорларни асосли қабул қилиш имконияти яратилиши мумкинлиги аниқланди.

Шу тариқа, тадқиқот натижалари кўрсатдики, замонавий усуллардан тўлиқ фойдаланиш орқали маҳсулот таннархини аниқ ва самарали ҳисоблаш, рентабелликни ошириш ҳамда маҳсулот портфелини оптимизация қилиш имконияти мавжуд.

Хулоса ва таклифлар.

Маҳсулот таннархини ҳисоблаш усуллари, корхоналарнинг молиявий ҳолатини аниқлаш, стратегияларни белгилаш ва операцияларни самарали бошқаришда муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот давомида Ўзбекистондаги ва хорижий давлатлардаги маҳсулот таннархини ҳисоблаш усуллари ўрганиш орқали аниқланган асосий

нуқталар ва хилма-хилликлар, ушбу соҳадаги бошқарув амалиётларини такомиллаштиришга қаратилган қатор тавсияларни шакллантиришга имкон берди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, хўжалик юритувчи субъектлар асосан тўлиқ таннарх усули қўлланилади. Маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг ҳар бир усулининг ўзининг афзалликлари ва камчиликлари мавжуд. Тўлиқ таннарх усули хўжалик юритувчи субъектларга маҳсулотнинг умумий таннархини аниқлаш ва молиявий ҳисоботда барча харажатларни қамраб олиш имкониятини беради. Лекин, бу усулда маҳсулот турлари бўйича рентабелликни аниқлашда айрим чекловлар мавжуд. Масалан, доимий харажатларни ҳар бир маҳсулотга тўғри тақсимлаш ва уларнинг рентабеллигини аниқлаш қийин бўлиши мумкин.

Директ-костинг усули эса ўзгарувчан харажатлар ва маржинал даромадларни аниқ ҳисоблаш орқали юқори рентабелликка эга маҳсулотлар ва хизматларни аниқлаш имкониятини беради. Бу усулнинг асосий афзаллиги — ҳар бир маҳсулот ёки хизматнинг фойдасини тўғри баҳолашдир. Аммо, директ-костингда доимий харажатлар ускуна ва ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ бўлиб, уларнинг бўйича аниқ назарий ишлаш қийинчилиги мавжуд.

Хорижий давлатларда эса, айниқса АҚШ ва Европа мамлакатларида, Activity-Based Costing (ABC) усули кенг қўлланилади. Бу усул орқали ҳар бир маҳсулот учун сарфланган харажатларни аниқ таърифлаш ва ресурсларни самарали тақсимлаш имконияти пайдо бўлади. Хориж тажрибаси кўрсатишича, ABC усулининг афзаллиги, ишлаб чиқариш жараёни ва маҳсулот турларига керакли сарфларни аниқ айириб беришда ва фойда олиш жараёнини оптималлаштиришда сезиларлидир. Шу билан бирга, ушбу усулнинг бир нечта чекловлари мавжуд. Масалан, унинг ишлаш жараёни жуда мураккаб ва кўп сонли маълумотларни талаб қилади.

Ўзбекистонда директ-костинг усулининг кенгроқ тараққиётига ва амалга оширилишига катта эҳтиёж бор. Бу усул давлатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга, ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштиришга ва тўғри маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Шу боис, Ўзбекистонда таннархни ҳисоблаш тизимини янада такомиллаштириш, хорижий тажрибаларни оммалаштириш ва самарали усулларни ишлаб чиқишга қаратилган қатор таклифлар билдириш мумкин. Мақолада келтирилган натижалар ва таҳлиллар кўрсатишича, замонавий усуллардан фойдаланиш орқали ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, молиявий натижаларни аниқлаш ва стратегик қарорларни қабул қилишда муҳим қадамлар қўйиш мумкин. Ўзбекистонда директ-костинг, тўлиқ таннарх ва ABC усулларини интеграциялаштириш, шунингдек, уларни тўғри амалга ошириш иқтисодий натижаларни яхшилашга, ресурсларни тежашга ва бозорда рақобатбардошликни оширишга олиб келади.

Адабиётлар / Литература/References:

Қонун (2016) “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси. Янги таҳрир, 13 апрель.

Қарор (1995) “Маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, 27 январь. Тошкент.

Қарор (2020) ПК-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президенти, 24 февраль.

Бакиева, М.В. (2020). Маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг муаммолари ва уларни ечиш йўллари. Иқтисодиёт ва молия журналы, №4, 45–50.

Хасанов, Б.А. (2014). Корхонада маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг замонавий усуллари. Ўзбекистон иқтисодиёти ва бухгалтерия журналы.

Абдусаломова, Н.Б. (2020). Маҳсулот ва хизматлар таннархини ҳисоблаш: Назарий ва амалиётӣ таҳлил. Тошкент: ТДИУ.

Пардаев, А.Х. (2008). Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.

Хасанов, Б.А. ва Хошимов, А.А. (2005). Бошқарув ҳисоби. Дарслик. Тошкент: Иқтисод-Молия. 57 б.

International Accounting Standards Board (IASB) (2020). International Financial Reporting Standards (IFRS). IASB Publications.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти (n.d.). Қўлланилган манба: <https://www.mf.uz>

LexUZ (n.d.) Миллий қонунчилик базаси. Манба: <https://www.lex.uz>